



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development and Cooperation SDC
Shvetsariya taraqqiyot va hamkorlik Agentligi SDC

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

100 ХУҚУҚИЙ САВОЛГА ЖАВОБ



ТОШКЕНТ 2023

Ҳурматли ўқувчи!

Бизнес ҳуқуқи – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилиш чора тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборатдир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан катта имкониятлар яратилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Президентимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорлар чиқарилиб, тадбиркорлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қатор чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган **«Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва ўз бизнесини бошлаш истагидаги аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш»** лойиҳаси ҳам мамлакатимиз хотин – қизларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган. Зеро, ўз

ҳуқуқини билмаган ва уни талаб қила олмаган хотин – қизлар бизнес бошлашларида ва уни ривожлантиришда қатор муаммоларга дуч келишлари муқаррардир. Лойиҳанинг асосий мақсади ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳуқуқий саводсизликнинг олдини олиш, бизнес юритиш даражасини юксалтириш ва тадбиркор аёлларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига қўшадиган ҳиссасини оширишдан иборат.

Умид қиламизки, лойиҳа доирасида чоп этилаётган «100 ҳуқуқий саволга 100 жавоб» ўқув қўлланмаси тадбиркорлик билан шуғулланаётган, шу фаолиятни бошлаш ниятидаги аёлларимиз, ушбу соҳага қизиқадиган барча инсонлар учун фойдали бўлади ва улар ўз фаолиятлари давомида ушбу қўлланмада келтирилаётган типик саволларга жавоблар орқали ўз бизнесларини янада осонроқ юритиш имкониятга эга бўладилар.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ушбу лойиҳани қўллаб – қувватлаб, бизга ҳамкорлик қилаётган Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонасига ташаккур билдираемиз.

**Гулнора Маҳмудова,
«Тадбиркор аёл»
халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси**



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН 100 ҲУҚУҚИЙ САВОЛГА ЖАВОБ

САВОЛ:

1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг қонуний шарҳи қандай?



ЖАВОБ: Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

2. Юридик шахслар тушунчасига қонуний тариф?



ЖАВОБ: Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс мустақил баланс ва сметасига эга бўлиши керак.

1. Кимлар жисмоний шахслар ҳисобланади?



ЖАВОБ: Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.



2. Кимлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўла олади?

ЖАВОБ: Тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

МУҲИМ! Қуйидаги субъектлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

- А) Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бундан мустасно)
- Б) Давлат органлари мансабдор шахслари
- С) Тадбиркорлик фаолият билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар.

5. Қайси турдаги тадбиркорлар кичик тадбиркорлик субъектлари саналади?

ЖАВОБ:

- А) Якка тартибдаги тадбиркорлар;
- Б) Микрофирмалар;
- С) Кичик корхоналар.

6. Якка тартибдаги тадбиркорлик деганда нима тушунилади?

ЖАВОБ: Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. ЯТТлар тадбиркорлик қилиши учун юридик шахс ташкил қилиш талаб этилмайди.



7. Якка тартибдаги тадбиркор қандай фаолият олиб боради?

ЖАВОБ: Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк билан, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

8. Жисмоний шахс ўз ЯТТ фаолияти билан боғлиқ битимларга кирмасдан олдин нималарга эътибор бериши керак?

ЖАВОБ: Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, битим тузишда ўзини тадбиркор сифатида кўрсатиши керак. Бундай кўрсатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

9. Жисмоний шахснинг ЯТТ билан шуғулланишидан нималар далолат беради?

ЖАВОБ: Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

10. ЯТТ фаолиятига эр-хотин ўртасидаги умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланиш учун тарафлардан бирининг розилиги талаб этиладими?

ЖАВОБ: Агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

11. Қандай турдаги ташкилотлар микрофирмалар ҳисобланади?



ЖАВОБ: Ишлаб чиқариш тармоқларида – банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларда – банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида – банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган ташкилотлар микрофирма ҳисобланади;

12. Кичик фирмалар таркибига қандай ташкилотлар киради?




ЖАВОБ: Қонунчиликда назарда тутилган енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатида – банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши; металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида – банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларда – банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган ташкилотлар кичик фирмалар таркибига киради.

13. Кичик тадбиркорлик субъектлари статуси ҳақидаги маълумотлар тадбиркорлар учун нега муҳим?



ЖАВОБ: Мазкур турдаги тадбиркорлар учун қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёз ва преференциялар берилади. Агарда ходимлар сони юқорида белгиланган ходимлар сонидан ортиши кузатилса, имтиёз ва префе-



ренциялар ва кафолатлар кичик тадбиркорлик субъектларига қўлланилмайди. Қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталдаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг яғони реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгиланиб борилади.

14. Қандай ҳолларда ходимлар сони белгилангандан ошганда ҳам имтиёзлар сақлаб қолинади?



ЖАВОБ: Микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 50% ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилиши Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30% ошадиган бўлса, йўл қўйилади.



15. Тадбиркорлик субъектлари қандай ҳуқуқларга эга?

ЖАВОБ:

а) Қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;

б) юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

с) ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгаллик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;

д) ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, ҳизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, ҳизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

е) тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олишга, бундан товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқеи эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари мустасно;

ф) ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

г) соф даромадни эркин тасарруф этишга;

х) кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга;

и) ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли;

и) ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли;

Мазкур ҳуқуқлар якуний ҳисобланмайди ва қонунчилик асосида бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш мумкин.





16. Товар ва молия бозорида қандай ҳолатлар тадбиркорларни устун мавқега эга деб эътироф этади?

ЖАВОБ: Устун мавқе товар ёки молия бозорида тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият ёрқинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатидир.

17. Ташқи иқтисодий фаолият деганда нима тушунилади?

ЖАВОБ: Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

18. Ташқи иқтисодий фаолият билан кимлар шуғулланиши мумкин?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

19. Тадбиркорлик субъектлари қонун билан белгиланган қандай мажбуриятларга эга?

ЖАВОБ:

- а)** ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши;
- б)** солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;
- с)** меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар-



нинг меҳнат ҳақини қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек, иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши;

д) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳа-

сидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

е) рақобат тўғрисидаги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

ф) реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун сертификатларга эга бўлиши;

г) жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиши;

х) бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритиши;

и) ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Мазкур мажбуриятлар якуний ҳисобланмайди ва қонунчилик асосида бошқа мажбуриятлар ҳам қўлланиши мумкин.

20. Тадбиркорлик субъектларини қандай қилиб давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин?

ЖАВОБ: 1) мустақил тарзда internet тармоғи орқали https://fo.birdarcha.uz/s/uz_landing сайти орқали

2) Давлат Хизматлари Марказига тадбиркорнинг ўзи келган ҳолда.





21. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун қанча давлат божи тўланади?

ЖАВОБ: Агарда тадбиркор Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказса, БҲМ нинг 1 баравари миқдорида (ҳозирги кунда 330 минг сўм). Агарда тадбиркор internet ижтимоий тармоғи орқали рўйхатдан ўтказмоқчи бўлса, БҲМ нинг бир баравари 90% миқдорида (ҳозирда 297 000 сўм).

22. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш муддатлари қанча?

ЖАВОБ: Давлат рўйхатидан ўтказиш учун-Якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари – реал вақт режимида, лекин 30 дақиқадан ошмаган вақтда, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари учун – реал вақт режимида, лекин 30 дақиқадан ошмаган вақтда.

Давлат рўйхатидан қайта ўтказиш учун – деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бошлиғи ўзгарганда – реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда, Таъсис ҳужжатларига устав фонди миқдорининг оширилиши (камайтирилиши), улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда-умумий тартибда – 16 иш соатидан ошмаган вақтда-тезлаштирилган тартибда – 2 иш соатидан ошмаган вақтда, Рўйхатдан ўтказиш маълумотларига (таъсис ҳужжатларига) киритилаётган бошқа ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилганда – реал вақт режимида, лекин 30 дақиқадан ошмаган вақтда.

23. Рўйхатдан ўтказиш учун ариза намуналари ва гувоҳнома намуналари билан қандай танишиш мумкин?

ЖАВОБ: 1) Юридик шахс ташкил етамаган ҳолда ташкил этилган тадбиркорлик субъекти учун ариза нусхаси – низомнинг 4 – Иловаси; <https://lex.uz/docs/-3111347#-3112265>;


2) Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш

учун-Низомнинг 5 – иловаси; <https://lex.uz/docs/-3111347#-3112265>;

3) ЯТТга бериладиган гувоҳнома кўриниши – Низомнинг 6 – Иловаси; <https://lex.uz/docs/-3111347#-3112265>;

4) Юридик шахсга бериладиган гувоҳнома кўриниши – Низомнинг 6 б Иловаси <https://lex.uz/docs/-3111347#-3112265>.

24. Қандай турдаги ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий?


 **ЖАВОБ:** Якка тартибдаги тадбиркорлар учун – Юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари таркибидаги ўзгаришлар учун ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида;

➔ Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини амалга ошириш жойининг ўзгариши – ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида;


➔ Оилавий тадбиркорлик субъекти фаолияти туридаги ўзгаришлар (қўшимчалар), йўналишидаги ўзгаришлар – ўзгарган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида;

➔ Якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказиш маълумотларидаги, шу жумладан фаолият туридаги, йўналишидаги ўзгаришлар (қўшимчалар) – ўзгарган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида.

25. Юридик шахслар учун қандай турдаги қўшимча ва ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий?

 **ЖАВОБ:** Жойлашган жойининг (почта манзилининг) ўзгариши (базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан ортиқ солиқ қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда)-ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида;

➔ Таъсис ҳужжатлари маълумотларидаги, шу жумладан таъсис ҳужжатларининг фирма номларидаги, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги, устав фонди миқдоридаги, муассислар таркибидаги, шунингдек бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар (қўшимчалар) – тегишли ўзгаришлар ваколатли шахс томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида;



➔ Муассисларнинг (иштирокчиларнинг) устав фондидаги улушлари (ҳиссалари) ўзгариши, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно – тегишли битим амалга оширилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида;

➔ Тадбиркорлик субъектларининг қайта ташкил этилиши (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, қайта тузиш, бўлиш, ажратиб чиқариш) – қайта ташкил этилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида.

26. Тадбиркорлик субъектларини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза намуналари билан қандай танишиш мумкин?



ЖАВОБ: Юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектини (якка тартибдаги тадбиркорни) қайта рўйхатдан ўтказишга – Низомнинг 8 – иловаси

✔ Тадбиркорлик субъектини юридик шахсни қайта рўйхатидан ўтказишга – Низомнинг 9-Иловаси.



27.Юридик шахслар устав фондининг энг кам миқдorigа қўйиладиган талаблар қандай?



ЖАВОБ: Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташқари – Устав фонди энг кам миқдори – **400 млн. сўм;**

➔ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида янги барпо этиладиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар – Устав фонди энг кам миқдори – **200 млн. сўм;**

➔ Тўлиқ ширкат – Устав фонди энг кам миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида **(16,5 млн)**;

➔ Коммандит ширкат – Устав фонди энг кам миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида **(16,5 млн)**.

28. Қандай ҳолларда тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш рад этилади?

ЖАВОБ:



1. Давлат божи тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

2. Тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилинганда;

3. Низомда назарда тутилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

4. Қонун ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганда – устав фонди миқдори оширилган (камайтирилганда), улуш (ҳисса) бошқа шахсга ўтган, қайта ташкил этилган тақдирда;

5. Давлат рўйхатидан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда қонун ҳужжатлари билан устав фондининг миқдорига доир талаблар белгиланган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларида устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлган миқдор белгиланганда;

6. Юридик шахснинг манзилини ўзгартириш, шунингдек, юридик шахсни бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш билан боғлиқ қайта рўйхатдан ўтказишда юридик шахснинг базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваридан ортиқ солиқ қарзи мавжудлиги ёки амалга оширилган товар айланма ёхуд товарлар импорти бўйича реализация ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилмаганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда топширмаганлиги;

7. Улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни қайта рўйхатдан ўтказишда, муассиснинг муассислар рўйхати ўзгаришига розилиги мавжуд эмаслиги;



8. Фирма номини танлашда Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида» қонуни талабларига амал қилинмаган ҳолда.

9. Таъсис ҳужжатлари барча иштирокчилар томонидан имзоланмаганда, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно; устав фондининг миқдори камайтирилганда корхона кредиторлари белгиланган тартибда хабардор қилинмаганда; тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган манзил маълумотлари солиқ ва кадастр органларининг маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаганда; тадбиркорлик субъекти ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини қонунчилик ҳужжатларида мавжуд бўлмаган турга ўзгартиришни сўраб мурожаат этганда.

29. Тадбиркорлик субъектнини давлат рўйхатдан ўтказиш рад этилганда давлат божи қайтариладими?

ЖАВОБ: Ариза берувчилар тўланган давлат божини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ортиқча тўланган суммалар бундан мустасно. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказиш учун такроран мурожаат қилинмаганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

30. Тадбиркорлик субъектнини давлат рўйхатдан ўтказиш рад этилганида қайта мурожаат қилиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Ариза берувчилар қайта рўйхатдан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўламаган ҳолда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

31. МЧЖ ни давлат рўйхатидан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

ЖАВОБ: Аризачининг шахсни тасдиқловчи ҳужжати;

- ✔ Таъсис ҳужжатлар (устав ва таъсис шартномаси агар таъсисчи 2 та ва ундан ортиқ бўлса);
- ✔ Давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳужжати.

32. Кўшимча масъулияти чекланган жамиятни рўйхатдан ўтказишда қандай

ҳужжатлар талаб этилади?



ЖАВОБ: Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат
Таъсис ҳужжатлар (устав ва таъсис шартномаси)

Давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳужжати.

33. Хусусий корхона нима?



ЖАВОБ: Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилганда ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

34. Хусусий корxonанинг фирма номига қандай талаблар қўйилган?



ЖАВОБ: Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корxonанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «хусусий корхона» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корxonанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «хусусий корхона» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

35. Хусусий корхона қандай тузилади?



ЖАВОБ: Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.



36. Хусусий корхона кенгайиши ва юридик шахс таъсис этиши мумкинми?

ЖАВОБ: Хусусий корхона қонунчиликда белги-ланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг му-ассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзга-ча тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очиш-га ва филиаллар тузишга ҳақли.

37. Хусусий корхонанинг устав ҳужжатида нималар кўр-сатилиши керак?

ЖАВОБ: **1)** корхонанинг фирма номи; **2)** жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар; **3)** асо-сий фаолият турларининг рўйхати; **3)** мулкдорнинг фа-милияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи; **4)** устав фондининг миқдори. Хусусий корхонанинг устави қонун-чиликка зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

38. Хусусий корхонанинг устав фонди ҳақида қандай қону-ний талаблар мавжуд?

ЖАВОБ: Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмас-дир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига кўшила-диган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Агар



хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

39. Хусусий корхона қандай тартибда бошқарилади?



ЖАВОБ: Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақалар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

40. Хусусий корхона мулкдори қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?




ЖАВОБ: **Ҳуқуқлар** – хусусий корхона уставига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш; хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш; хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш; хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш.

Мажбуриятлар: Устав фондини шакллантириши; ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

41. Хусусий корхонани бошқа шахсга ўтказишнинг тартиби қандай?



ЖАВОБ: Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхо-



на ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонунчиликда ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

42. Хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш қай тартибда амалга оширилади?



ЖАВОБ: Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки қонунчиликда белгиланган тартибда суднинг қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин. Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки суднинг ёхуд рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

43. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб этилади?



ЖАВОБ: Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, Устав, Давлат божи – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

44. Якка тартибдаги тадбиркорикни давлат рўйхатидан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

ЖАВОБ: Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;


Давлат божи - базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

45. Якка тартибдаги тадбиркор қандай фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин?




ЖАВОБ: ЯТТлар фақат ҳукумат қарори билан тасдиқланган фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин. Умумий ҳисобда ЯТТлар қонун билан белгиланган 88 та фаолият тури билан шуғулланиш мумкин. Улар қуйидаги тармоқларга бўлинади: хунармандчилик, чакана савдо, маиший хизматлар ва фаолиятнинг бошқа турлари.


46. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда қанча давлат божи тўланади?

 **ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунига асосан БҲМнинг 10 баробари миқдорида давлат божи тўланади.


47. Ишлаб чиқариш кооперативи нима?

 **ЖАВОБ:** Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан мутлақо ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги, матлубот кооперативида (жамиятида) эса етти кишидан кам бўлмаслиги керак.

48. Ишлаб чиқариш кооперативини давлат рўйхатидан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

 **ЖАВОБ:** Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, Устав.
Давлат божи – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

49. Оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

 **ЖАВОБ:** Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Оилавий корхона эса, фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.



50. Кимлар оилавий корхона иштирокчилари бўла олади?

ЖАВОБ: Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

51. Оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилишида қандай масалалар кўриб чиқилади?

ЖАВОБ: Оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши оилавий корхонанинг юқори бошқарув органидир.

- 1) оилавий корхонанинг таъсис шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) оилавий корхона бошлиғини сайлаш (тайинлаш) ва озод қилиш;
- 3) оилавий корхона фаолиятининг турларини белгилаш;
- 4) оилавий корхонанинг устав фондини белгилаш ва унинг миқдорига ўзгартишлар киритиш;



5) оилавий корхона иштирокчилари таркибини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;

6) оилавий корхона бошлиғининг оилавий корхона молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш;

7) таъсис шартномасига мувофиқ оилавий корхонанинг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8) оилавий корхонанинг мол-мулкига доир йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

52. Оилавий корхона таъсис шартномасида нима кўрсатилиши керак?



ЖАВОБ: Оилавий корхона бошлиғининг ва оилавий корхона бошқа иштирокчиларининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда яшаш жойи (манзили); оилавий корхона устав фондининг миқдори; оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулкни белгилаш тартиби; оилавий корхонанинг фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар; оилавий корхона иштирокчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойдани, шунингдек оилавий корхона тугатилганда мол-мулкни тақсимлаш тартиби; оилавий корхона иштирокчиларининг оилавий корхона фойдаланишига берилаётган мол-мулки рўйхати; оилавий корхонанинг мол-мулкига доир йирик битимнинг миқдори; оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби; оилавий корхона иштирокчилари муҳим деб ҳисоблайдиган бошқа шартлар. Таъсис шартномаси оилавий корхонанинг барча иштирокчилари томонидан имзоланиши керак.

53. Оилавий корхона устав фондига нималар киради?



ЖАВОБ: Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан пул билан баҳоланадиган мулкӣ ҳуқуқлар ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантирилади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас.



54. Оилавий корхона бошлиғи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

ЖАВОБ: *Ҳуқуқлар* – оилавий корхона номидан ишончномасиз иш кўриш; юридик ва жисмоний шахслар билан оилавий корхона фаолиятига боғлиқ бўлган шартномалар тузиш; меҳнат шартномалари (контрактлар) тузиш ва штатларни тасдиқлаш; ишончномалар бериш.

Мажбуриятлар: оилавий корхонани шахсан бошқариши ва унинг кундалик фаолиятини ташкил этиши; оилавий корхонанинг мол-мулки билан боғлиқ йирик битимлар тузишда иштирокчиларнинг розилигини олиши; меҳнат қонунчилиги нормаларига риоа этиши; бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаш.


55. Оилавий корхона қандай фаолиятни амалга ошириши таъқиқланади?

ЖАВОБ: Оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома(лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган




фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошириши мумкин эмас; Оилавий корхона фаолиятида захарли, радиоактив моддалар ва материаллардан, юқори босимли асбоб-ускуналардан ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оилавий корхона томонидан саноат тусидаги фаолиятни кўп квартирали уйнинг турар жойларида амалга оширишга йўл қўйилмайди.

56. Оилавий корхонанинг коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини тартиби қандай?




ЖАВОБ: Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

57. Оилавий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби қандай?



ЖАВОБ: Оилавий корхона унинг иштирокчиларининг ёки суднинг қарорига кўра, шунингдек агар унда оилавий корхонанинг ягона иштирокчиси қолган бўлса тугатилади. Оилавий корхона унинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилганидан кейин тугатилган ҳисобланади.

58. Оилавий корхонани рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?



ЖАВОБ: Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
Таъсис шартномаси,
Давлат божи – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (онлайн тартибда 90 фоизи) тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.



59. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида қандай маълумотлар акс этиши керак?

ЖАВОБ: Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши кераклиги белгиланган. Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланган.

60. Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатишда тугатувчи томонидан қандай ҳужжатлар тақдим қилинади?

ЖАВОБ: а) Рўйхатдан ўтказувчи органга — ўзи келган ҳолда ёки Internet орқали ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) Тижорат ташкилотининг талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб варағига (кейинги ўринларда асосий ҳисоб варағи деб аталади), хизмат кўрсатувчи банкка ва хорижий валютадаги маблағлари жамланган банкка:

Ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

Имзолар намуналари ва тугатувчи мухрининг босма изи қўйилган карточкаларнинг икки нусхасини;

с) Тижорат ташкилотининг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб варақларига, жамғарма депозит ҳисоб варақларига ва

муддатли депозит ҳисоб варақларига хизмат кўрсатувчи банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисидаги ариза топшириқномани;

д) Тижорат ташкилотининг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақлари, жамғарма ва муддатли депозит ҳисоб варақлари очилган банкларга:

– уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб варақларига, миллий валютадаги асосий ҳисоб варағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

61. Деҳқон хўжалиги қандай фаолият юритади?



ЖАВОБ: Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва полиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ихтисослашиш асосида амалга оширади.

62. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш тартиби қандай?



ЖАВОБ: Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалиги бошлиғида ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзага келганидан ва деҳқон хўжалиги ҳисобга қўйилганидан кейин, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги эса – деҳқон хўжалиги бошлиғида ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзага келганидан ва деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ташкил этилган деб ҳисобланади.



63. Қандай ҳолларда деҳқон хўжалиги тугатилади?

ЖАВОБ: Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ тугаганда ёки ижара (иккиламчи ижара) муддати тугаганда тугатилади (фаолияти тугатилади).

64. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

ЖАВОБ: Деҳқон хўжалигини ҳисобга қўйиш учун деҳқон хўжалиги аъзоларининг таркиби тўғрисидаги ахборот (қариндошлик даражасини кўрсатган ҳолда) ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат; аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат; деҳқон хўжалиги юридик шахс ташкил этган ҳолда тузилган тақдирда эса – деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ва таъсис ҳужжатлари.



65. Деҳқон хўжалигини рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи ва йиғими ундириладими?



ЖАВОБ: Йўқ, деҳқон хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик, деҳқон хўжаликларини ҳисобга қўйганлик ёки давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳамда деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирмалар берганлик учун давлат божи ва йиғим ундирилмайди.

66. Юридик шахснинг тугатиш қарорида қандай маълумотлар бўлиши керак?



ЖАВОБ: Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қатнашчилари), вакиллари ёки ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

- ✓ тугатилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги маълумотлар (тўлиқ ва қисқартирилган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили);
- ✓ тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон почта манзили);
- ✓ тугатилаётган тадбиркорлик субъекти бўйича мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати;
- ✓ тадбиркорлик субъектини тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

67. Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилинади?



ЖАВОБ: Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш, унинг рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ✓ муҳр ва штамплар (агар мавжуд бўлса);



- ✓ барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари (агар мавжуд бўлса);
- ✓ агар мавжуд бўлса, асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисидаги тижорат банкининг маълумотномаси.

68. МЧЖ қачон акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантиради?

ЖАВОБ: Жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим. Агар жамият иштирокчиларининг сони ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган меъёр (Жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим)дан ошиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак.

69. ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтиб, озиқ-овқатлар чакана савдоси билан шуғулланганда қанча солиқ тўланади?

ЖАВОБ: Солиқ кодексига кўра, озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланган: Тошкент шаҳрида 750 000сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда 600 000 сўм, бошқа шаҳарлар 300 000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида 200 000 сўм.

70. Қандай тадбиркорлар ўрта тадбиркорлик субъектлари деб эътироф этилади?

ЖАВОБ: Жами даромади календар йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари.

71. Қандай тадбиркорлар йирик тадбиркорлик субъектлари деб эътироф этилади?



ЖАВОБ: Жами даромади календарь йили давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва агар тузилиши жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

73. МЧЖ ни бўлиш тартиби қандай?



ЖАВОБ: Жамиятни унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янгидан ташкил этилган жамиятларга ўтказган ҳолда тугатиш жамиятни бўлиш деб эътироф этилади. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта





ташкил этиш тўғрисида, жамиятни бўлиш тартиби ва шартлари тўғрисида, янги жамиятларни ташкил этиш ва бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бўлиш натижасида тузилаётган ҳар бир жамиятнинг иштирокчилари таъсис шартномасини имзолайдилар. Бўлиш натижасида ташкил этилаётган ҳар бир жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамиятнинг уставини тасдиқлайди ва унинг органларини сайлайди. Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ бўлиш натижасида ташкил этилган жамиятларга ўтади.

74. МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши баённомасида нималар кўрсатилади?

ЖАВОБ: Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ✓ иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
- ✓ йиғилишда қатнашаётган иштирокчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- ✓ йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

75. Лицензияланадиган кичик фаолият турлари қайсилар?

ЖАВОБ: Мактабгача таълим хизматлари (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно); умумий ўрта ва ўрта махсус таълим хизматлари; профессионал таълим хизматлари; олий таълим хизматлари; олий таълимдан кейинги таъ-

лим хизматлари; автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш. Бундан ташқари, хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия, туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия, крипто-активлар айланмаси соҳадаги фаолиятни амалга ошириш учун лицензия, Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти учун лицензия. Бошқа фаолият турлари билан «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-Иловасида танишиб чиқиш мумкин.

76. Устав капитали нима?



ЖАВОБ: Устав капитали – акциядорлик жамиятининг уставида қайд этилган пул ифодасидаги дастлабки, бошланғич капитал. Устав капитали акциялар сотишдан тушумлар, таъсисчиларнинг хусусий қўйилмалари ва давлат қўйилмалари ҳисобидан юзага келади. Устав капиталига бадаллар факат пул маблағлари кўринишида эмас, балки мулк шаклида, иморатлар, ер, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари: патентлар, лицензиялар, лойиҳалар шаклида ҳам бўлиши мумкин. Устав капитали тузилган ташкилот фаолиятининг моддий – ашёвий, пул, илмий – техника, ахборот асосини ташкил этади. Устав капитали баланснинг пассиивида қайд этилади.

77. МЧЖ нима?



ЖАВОБ: Масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамиятидир. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.



78. Қўшимча масъулиятли жамият нима?

ЖАВОБ: Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият деб ҳисобланади.

Бундай жамиятнинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

79. МЧЖ иштирокчиларининг мажбуриятлари қандай?

ЖАВОБ: Жамият иштирокчилари: қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари; жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт. Жамият иштирокчиларининг қонунчиликда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.



80. Юридик шахс сифатидаги тадбиркорлик субъектлари кимлар?

ЖАВОБ:



- ✓ Масъулияти чекланган жамияти;
- ✓ Акциядорлик жамияти;
- ✓ Хусусий корхона;
- ✓ Оилавий корхона;
- ✓ Фермер хўжалиги;

81. Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектлари кимлар?

ЖАВОБ:



- ✓ якка тартибдаги тадбиркор;
- ✓ оилавий тадбиркорлик;
- ✓ деҳқон хўжалиги.

82. Бизнесни бошлаш учун амалга ошириш зарур бўлган ҳаракатлар?

ЖАВОБ:



а) Тадбиркорлик билан юридик шахс ташкил этиб ёки ташкил этмасдан қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш мумкин.

Рўйхатдан ўтиш усуллари:

- б) мустақил равишда Тизим орқали;
- с) Давлат хизматлари марказларига ўзи келган ҳолда.

83. Солиқ ставкалари қанчани ташкил этади?

ЖАВОБ:



Фойда солиғи (15 фоиз, алоҳида тоифалар учун – 20 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12 фоиз), юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (1,5 фоиз), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи (0,95 фоиз), ижтимоий солиқ (бюджет ташки-



лотлари – 25 фоиз, қолганлар – 12 фоиз) бўйича ставкалар сақлаб қолинмоқда.

84. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)

ЖАВОБ:

Солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинмоқда. 2023-йилнинг 1-январидан бошлаб ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилмоқда. Қопланадиган (қайтарилмайдиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунгача қисқартирилмоқда.

85. МЧЖ аъзолари қандай ҳуқуқларга эга?

ЖАВОБ:

- а) ташкилот низомини ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва қабул қилиш;
- б) қайта ташкил этиш масалаларини ҳал этиш;
- в) фирма директорини танлаш ва тасдиқлаш;
- д) коллегиял орган тузиш;
- е) таъсис активи миқдорини аниқлаш ва белгилаш;
- ф) ташкилот акциялари, облигацияларини чиқаришни мувофиқлаштириш;
- г) фирмани тугатиш

86. Якка тартибдаги тадбиркор қандай мулкка эга бўлиши мумкин?

ЖАВОБ: Якка тартибдаги тадбиркор турли хил мулкка эга бўлиши мумкин, шу жумладан кўчмас мулк (квартиралар, уйлар, офислар ва бошқалар), транспорт воситалари (автомобиллар, юк машиналари ва бошқалар), иш учун асбоб-ускуналар ва асбоблар, омбор ёки дўкондаги товарлар ва шунингдек, банк ҳисобварақларидаги нақд пул.





87. Ягона солиқ ва умумий солиқ тўловлари қандай?

ЖАВОБ:

Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган даромади 100 миллион сўмдан ортиқ, лекин бир миллиард сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган даромадлари 1 миллиард сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромадлар реестрини ҳамда товарларни рўйхатдан ўтказиш ва сотиш квитанцияларини юритадилар.

Календарь йили давомида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган даромади бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар, қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

88. Ёш тадбиркорлар учун бериладиган имтиёзли кредитлар қандай мақсадлар учун ажратилади?

ЖАВОБ:

Имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорларга барча йўналишдаги инвестицион лойиҳалар учун ажратилади:

- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш;
- тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея;
- кимё, фармацевтика;
- озиқ-овқат;
- электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари;
- хунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари.





89. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредитларнинг шартлари қандай?

ЖАВОБ: – миқдори – 100 минг АҚШ доллари эквивалентигача

– муддати – 7 йил

– фоиз ставкаси – 14% (миллий валютадаги кредитлар) ва 3% (хорижий валютадаги кредитлар)

Агар инвестиция лойиҳалари қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошса, ошган қисми учун ҳам кредит олиш мумкин.




90. Даромади 100 млн сўмгача бўлган ЯТТлар даромад солиғини қай тартибда тўлайди?

ЖАВОБ: Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғини икки хил усулда:

- 1)** ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўлаши;
- 2)** тадбиркорлик фаолиятдан олинган ҳақиқий даромади бўйича ушбу даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар суммасини чегириб ташлаган ҳолда доимий яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига декларация топшириш йўли билан даромад солиғини тўлаши мумкин.



91. Даромади 100 млндан ортиқ, лекин 1 млрд сўмгача бўлган ЯТТлар қай тартибда даромад солиғи тўлайди?


 **ЖАВОБ:** Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни (аввалги ягона солиқ тўлови) тўлашга ўтказилади.

Бундай тадбиркорлар ҳам икки хил усулда солиқларни тўлашни танлаши мумкин:

✔ календарь йилида реализация тушуми 100 млн сўмдан ошганда, ошган суммадан айланмадан олинадиган солиқни тўлаши;

✔ календарь йилида реализация тушуми 100 млн сўмдан ошганда, айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ўрнига ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашни танлаши мумкин.

92. Даромади 1 млрд сўмдан ошган ЯТТлар ҚҚС ва фойда солиғини қай тартибда тўлайди?

 **ЖАВОБ:** Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 млрд сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини юридик шахслар учун белгиланган тартибда тўлашга ўтади. Шунингдек, солиқларни юридик шахслар учун белгиланган тартибда тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорларга фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Бунда, фойда солиғининг соддалаштирилган тартибдаги солиқ базаси жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгиланади. Якка тартибдаги тадбиркор фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаганда солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида харажатлар ҳисобини юритиш мажбуриятларидан озод қилинади.



93. Тадбиркорлар қандай масалалар юзасидан Маъмурий судга муурожаат қилиши мумкин?

ЖАВОБ: Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

94. Маъмурий судлар тадбиркорлик билан боғлиқ қандай ишларни кўриб чиқади?



ЖАВОБ: а) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш;

б) Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради.

в) Рақобат тўғрисидаги ишлар сирасига юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар киради.

95. Туманлараро иқтисодий судлар тадбиркорлик билан боғлиқ қандай турдаги низоларни кўриб чиқади?



ЖАВОБ: а) тузилиши мажбурийлиги қонунда назарда тутилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар тўғрисидаги;

б) шартнома тарафлари томонидан кўриб чиқилиши судга ўтказилиши келишилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар ҳақидаги;

в) шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги;

д) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;



е) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги;

д) мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги;

е) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги;

ф) интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулкый ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги; **г)** мулкдорнинг ёки мол мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги;

ж) зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;

и) ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги;

х) агар қонунда жарималарни сўзсиз (акцепсиз) тартибда ундириш назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахслар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги;



96. Тадбиркорлик субъектлари қандай қилиб Иқтисодий судларга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод бўлиши мумкин?

ЖАВОБ:

а) агарда тадбиркор Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

б) адлия органлари жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб иқтисодий судга мурожаат қилганда;

с) аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;

д) тадбиркорлик субъектлари – ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан.



97. Тадбиркорлик субъектлари қандай ҳолларда Маъмурий судларга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод қилинади?



ЖАВОБ: а) тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, уларнинг мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

б) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан;

с) юридик ва жисмоний шахслар – давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган аризалар (шикоятлар) бўйича;


д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан.

98. Тадбиркорлар учун давлат судларидан ташқари қандай низоларни муқобил ҳал қилиш механизими бор?



ЖАВОБ: Медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули. Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчиларидир. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафлари бўлиши мумкин. Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди) – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал



этувчи нодавлат орган. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади.

Тошкент халқаро Арбитраж Маркази – Бу ташкилотга фақатгина тарафлардан бири чет эллик юридик шахс бўлганда мурожаат қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси юридик шахси ҳисобланган иккала тараф, бу арбитраж марказига мурожаат қила олмайди.

99. Тадбиркорлар шартнома тузишдан олдин контрагентни (ҳамкорни) қандай текшириб олиш мумкин?

ЖАВОБ:



1. Контрагент ҳақида умумий маълумотларни

http://registr.stat.uz/enter_form/ru/index.php

<https://my.gov.uz/ru/info-by-tin/passport>

<http://orginfo.uz> orginfo.uz сайтлари ёрдамида билиш мумкин.

2. Ҳамкорингизнинг ҚҚС тўловчи сифатидаги гувоҳномаси ҳақида маълумотлар билан қуйидаги сайтлар орқали танишинг:

<https://my.soliq.uz/nds/home?lang=ru>

<https://soliq.uz/activities/tax-risk-analysis>

3. Контрагент иштирок этган суд процесслари ва қарорларни қуйидаги сайтлардан изланг:

<https://my.sud.uz/pages/monitoring/economical.html>

<https://public.sud.uz/report#!/сигн/виев>

<https://t.me/suduzbot>

4. Ҳамкорнинг солиқ ва бошқа қарздорлиги ҳақида маълумот йиғинг.

<https://mib.uz>

<https://soliq.uz/activities/debtor?lang=uz>

5. Ҳамкорнинг банкротлик ёки тугатиш босқичида эмаслигига амин бўлинг.

<https://davaktiv.uz/uz/bankrot>

<https://fo.birdarcha.uz/notification/liquidation>

Ўз шартномавий мажбуриятларини бажармайдиган инсофсиз етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлар олинг. <http://xarid.uz/unfairexecutor>

100. Тадбиркорларга текширув келса нималарга эътибор бериши керак?



ЖАВОБ: Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида 30 календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Шунингдек, юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан молия-хўжалик фаолиятини текширишлар учун қуйидагилар асос бўлади:

✓ махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлини маси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

✓ назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.





«ТАДБИРКОР АЁЛ» ХАЛҚАРО ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

Нашр учун масъуллар:

Г. Маҳмудова

У. Аллабердиева

А. Багирова

Б. Шерматов

А. Абдулов

Ш. Асронқулова

Ўқув қўлланмани тузишда Ўзбекистон Республикасида мавжуд
Қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий манбалардан фойдаланилди.



Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават



+99855 5104418; +99855 5154495



E-mail: tadbirkor-ayol@mail.ru
Info@adju.uz